

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА SMART ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Расулмухамедов Мухамадазиз Махамадаминович

*ф.-м.ф.н., доцент, Тошкент Давлат транспорт университети
Транспортда ахборот тизимлари ва технологиялари кафедра мудири;
mrasulmukamedov@list.ru*

Азимов Абдулхай Абдулатиф Ўгли

*Тошкент Давлат транспорт университети
Транспортда ахборот тизимлари ва технологиялари кафедра
ассистенти;*

[*азимовабдулхай1915@gmail.com*](mailto:azimovabdulхай1915@gmail.com)

Гаффаров Нуриддин Ёрқин Ўгли

*Тошкент Давлат транспорт университети
МАТ -1 гуруҳи 2-курс магистр талабаси;
mrgaffarov28@gmail.com*

АННОТАЦИЯ

Мақолада профессионал таълим тизимини замонавий андозалар асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида реал ва виртуал таълим муҳитида SMARTтехнологияларидан фойдаланишнинг долзарб муам-моалари ёритилган.

Калим сўзлар: *Электрон таълим ресурслари, компетенция, индивидуал ёндашув, компьютер, мультимедия, самарадорлик, ахборот коммуникация тех-нологиялари.*

ABSTRACT

The article discusses current issues of using SMART technologies in real and virtual learning environments in order to improve and develop the system of professional education on the basis of modern standards.

Key words: *e-learning resources, competence, individual approach, computer, multimedia, efficiency, information and communication technologies.*

Мамлакатимизда таълим тизимида ҳам тубдан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ўз вақтида таълим тизимимизда жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш асосий мақсад деб белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инновацион технологик жараёнлар, тадбиркорлик фаолияти ва

кичик бизнесни қўллаб - қувватлашнинг ёндашувлари натижасида яратилаётган янги технологик иш ўринлари ёш иқтидорли кадрларини тайёрлашни тақозо этади. Инсоният рақамли дунёда фаолият кўрсатар экан, компьютерлар, интернет, мобиль телефонлар, алоқа, ижтимоий тармоқлар - буларнинг барчаси инсониятнинг доимий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларга педагогик фаолият ҳамда касбий компетентликнинг ажралмас қисми устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Эндиликда инсоният электрон ресурслардан шунчаки ахборот манъбаси сифатида эмас, балки интерфаол муҳитда улардан ақл билан фойдаланишни мақсад қилиб қўймоқда. Бу жадал янгиланиб бораётган ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан мулоқот даражасида фойдаланиш, маълу-мотларни қайта ишлаш ва қайсидир маънода одам ўрнида “ўйлаш”га мажбур қилишни талаб қилади. Бундай “ақлли”, инсон билан мулоқот қилувчи ва ўргатувчи электрон ресурсларни яратиш ўта долзарб ва машаққатли иш бўлиб, уни яратишга бутун дунёнинг энг малакали мутахассислари имкониятларини бирлаштиришни тақозо қилади. Бу йўналишда қўйилган салмоқли қадамлардан бири бу таълим соҳасида дунё бўйича амалга оширилиши бошланган Smart технологиялари лойиҳасини келтириш мумкин.

Smart технологиялари (ёки ақлли таълим) - бу очик ахборот ресурслари ёрдамида интерактив вертуал муҳитда амалга ошириладиган мослашувчан ва индивидуаллаштирилган янги глобал таълим технологиясидир. Унинг энг асосий хусусияти унинг бутун дунё миқёсида амалга оширилиши ва ҳаммага бирдек ахборот олиш ва кенг таълим олиш имкониятларининг яратилишидир.

Smart технологиялари таълим муҳити ўз навбатида унинг қатнашчиларидан бутун таълим жараёнини, фойдаланилаётган метод ва технологияларни янгилаш ва бир тизимга келтиришни тақозо этади.

Бугунга келиб, ахборот коммуникация технологияларини пухта эгаллаган ўқувчи билимни нафақат синфхонада ўқитувчидан, балки исталган жойда, интернетдаги бошқа фаол билим манбалардан ҳам олиш имкониятларига эга бўлди. Шу билан бирга, ҳозирда қўлланилаётган таълимнинг педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари ўқитувчининг таълим жараёнидаги ролини ўзгартирмоқда. Ўқитувчининг роли энди фақат билим манбаи эмас, балки билим олишга йўналтирувчи ва бу жараённи бошқарувчиси сифатида намоён бўлмоқда. Бу ўринда интерфаол технологияларнинг қўлланиши ўқувчиларнинг ўзи ҳам билимларни бир-бирларига узатиш ва янгиларини

шакллантириш манбаи сифатидаги ролини оширмоқда. Бундан ташқари, сўнгги йилларда ўқувчи ёшларнинг Twitter, Facebook каби ижтимоий тармоқларни ишғол қилганликлари ва турли қизиқишлар, хусусан таълим олиш бўйича ўз уюшмаларини тузиб, фаол мулоқот қилаётганликлари, яъни ўзаро кенг мулоқот, таълим муҳитининг яратилганлиги мазкур таълим тизимига бўлган қизиқишни орттирмоқда. Smart технологиялари таълим муҳити воситалари ҳам кун сайин ўзгариб бормоқда. Энди исталган жойдан интернетга уланиш имкониятининг яратилганлиги, мобиль коммуникация воситалари, “ақлли” доска, “ақлли” экран ва таълимнинг бошқа “ақлли” техник воситаларининг пайдо бўлиши ва кун сайин такомиллашиб бориши Smart технологиялари таълим муҳитида фаол билим олиш нуфузини янада оширмоқда.



Бу ўз навбатида билим манбаи сифатида китоб билан бир қаторда ундан анча афзалликларга эга бўлган фаол, қулай ва мобиль таълим мазмунига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқармоқда. Буни биргина китоб ва интернетда жойлаштирилган маълумотлар, таълим мазмуни ҳажмларини таққослаш орқали ҳам англаб етиш мумкин. Интернетда жойлаштирилган ва кун сайин, соат сайин қаралаб ошиб бораётган веб ресурслардаги маълумотлар, яъни билимлархазинасидан оқилона фойдаланиш, интернет қулайликлари ва техник имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Профессional таълим тизимида Smart технологияларини таълим тизимига жорий этиш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан,

республикамизда профессионал таълим тизими таркибий структурасининг дунё андозаларига мос равишда ўзгартирилиши ва компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларига ўтиши бу йўлда қўйилаётган қадамлардир. Шунингдек, энг замонавий ва инновацион ахборот коммуникация технологияларига асосланган, кенг форматли сенсорли электрон доскалар, компьютерлар, ўқувчилар планшетлари, лазерли принтер, рақамли видеокамера ва бошқа АКТ жиҳозларидан иборат Smart синфхона ўрнатилди.

Мазкур Smart технологияларини келажакда мамлакатимиз профессионал таълим тизимига жорий этиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

— технологик янгиланишга ажратилган вақт 2020-2025 йиллар - жуда қисқа. Шу боис, “тезкор старт” усулини қўллаш, яъни Smart технологиялари таълим муҳити талабларини ўрганиб чиқиш ва мамлакатимиз таълим тизимига жорий этишни тезлаштириш;

— Smart технологиялари содда ва қулай, чуқур АКТ саводхонликни талаб қилмайди;

— янги ва қўшимча маълумотларни киритиш, ахборотни бойи-тиб бориш, эскирган маълумотларни янгиси билан алмаштириш имкони мавжуд;

— дастур ёзилган дисклар учун автоматик созламаларни яратиш имконияти;

— республикамизда турли фанлардан электрон ресурсларни дунё андозаларига мос, мувофиқлаштирилган ва тизимли равишда яратишни йўлга қўйиш ҳамда имкони борича бошқа давлатлар билан ҳамкорликда умумий таълим муҳитига мослаб яратиш (бугунги кунда тил муаммоси кун тартибида турмаяпти, чунки бу ҳал қилинган муаммо);

— дунё бўйича яратилган бошқа очик ресурсларни қайта яратмасдан, уларнинг энг мақбуллари таржима қилиш ва мослаштириш ҳамда таълим жараёнига жорий қилиш;

— таълим муассасаларини Smart технологиялари таълим муҳити техник воситалари билан таъминлашни жадаллаштириш.

REFERENCES

1. Джураев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 1992 с.
2. Дебердеева Т. Х. Новые ценности образования в условиях информационного общества //Инновации в образовании. 2005. №3. С. 5 - 12.

3. Тихомиров В. П., Тихомирова Н. В. Smart-технологиялари: новый подход к развитию образования // <http://www.elearningpro.ru/forum/topics/smart-технологиялари>.